
Япониянинг «РОТОБО» компанияси делегацияси аъзолари Марғилон шаҳрида

«РОТОБО» компанияси ижрочи директори Такафуми Накаи бошчилигидаги делегация аъзоларини вилоят ҳокими ўринбосари Иқболжон Эргашев ҳамда шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхоновлар кутиб олишди. Меҳмонлар даставвал Ҳунармандлар маркази фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Хусусий тадбиркор, сенатор Иброҳимжон Султонов ташаббуси билан Ҳунармандлар маркази биносида ташкил этилган Марғилон "Абр матолари" ҳамда "Gold silk" масъулияти чекланган жамиятида кооперация усулида ҳозирги кунда умумий ҳисобда 1100 нафар хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган.

Ишчилар учун 2 маҳал иссиқ овқат ва доимий транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Япониялик меҳмонлар марказ фаолияти билан яқиндан танишиш мобайнида маҳсулотларнинг сифати юқори эканлиги, асл ипакка табиий бўёқлардан гул чизиб мато тўқишиш жараёнлари ҳар қандай инсонни ҳайратга солишини алоҳида таъкидлашди.

- Марғилон асл уста ҳунармандлар шаҳри эканлигига бевосита гувоҳ бўлиб турибман, дейди, «РОТОБО» компанияси директори Такафуми Накаи. - Бу ерда биз матога гул чизишдан бошлаб уни тайёр ҳолатга келиш жараёнларига гувоҳ бўлдик, рости ҳайратимиз чексиз.

Дарҳақиқат, марказда маҳсулотларнинг сифати юқори. Шу боис ҳам маҳсулотлар харидоргир.

Марказда шунингдек, юз фоиз табиий бўёқлардан бетакрор ранглар билан безатилган гиламлар ҳам юз фоиз қўл меҳнати орқали тўқилиб, асосан Туркияга, атлас, адрас матолари эса АҚШ, Италия, Франция, Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилиниб келинмоқда.

2023-09-16 18:50:31